

## МҮГУЛ БОСҚИНИ ДАВРИ ХОРАЗМ ШАҲАРЛАРИ ТАҚДИРИ: ЁЗМА МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Шомуродов Отажон Ҳамидович**

*Urgench Innovation University тарих фани ўқитувчиси.*

**Мақоланинг қисқача мазмуни:** Хоразмиоҳ – ануштегинийлар давлати ўз даврида дунёning энг иирик давлатларидан бири бўлиши билан бирга, шаҳарсозлик маданияти юксак тараққий қилган ўлкалардан бири ҳам эди. Биргина Мовароуннаҳрда 450 тага яқин шаҳар ва қалъалар мавжуд бўлиб, улар давлатнинг иқтисодий салоҳиятини ҳам кўрсатиб турарди. Аммо, нима сабабдан кўчманчи дашт мўгул қабилалари қўшинлари томонидан бу шаҳарларнинг осонликча эгалланиши масаласи ҳалигача тарихчилар ичида баҳсли ва долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, ушибу мақолада, бу мавзу бўйича ҳалигача мавжуд муаммоли вазиятлар, баҳсли масалалар ва қарашлар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Муҳаммад хоразмиоҳ, Чингизхон, Ўтрор, Бухоро, Самарқанд, Ҳўжсанд, Урганч, ан-Насавий, Жувайний, Ибн ал-Асир, Рашидиддин, Жузжоний.

**Makalenin özeti:** Khorezmşah-Anuştegenler, sürekli değişen bir devlet olan dunening Eng iirik sr. bilan birga, şaharbaşılık Yüksekseksak Taşkent Kilgan ulkalardan Sr.'dir. Birgin Mavarounnahrda 450 taga şüphesiz Şahar ve kalalar, turardi'nin gezgin olarak otoritesine sahip bir ekonomist olan ular davlatning'in bullib'i var. Bununla birlikte, bir avuç bozkır kabilesi olmasına rağmen, Dolzarb kabilesi tarafından ve Haligachi Tarihcilar ve Dolzarb sorununa yasal bir çözüm olarak itiraz edilebilirdi. Şu cihattan olgandası, sakatlığı, halığaç'in konusu bakanlar meselesi, meşhur anlaşmazlık ve Karşılardan analizi.

**Anahtar kelimeler:** Muhammed Harezmşah, Cengiz Han, O'trar, Buhara, Semerkant, Hocand, Urganch, en-Nasavi, Juwayniy, İbnü'l-Asir, Raşididdin, Cüz Canı.

**Abstract:** In addition to the fact that khwarazmshah – anushteginid state was one of the largest countries in the world in its time, urban planning culture was one of the highly progressive countries. In Mavarounnahr alone, there were about 450 cities and castles, which also showed the economic potential of the state. However, for some reason, the question of the easy occupation of these cities by the troops of nomadic steppe Mongol tribes is still one of the controversial and pressing problems within historians. In this respect, this article will analyze the problem situations, controversial issues and views that still exist on this topic.

**Key words:** Muhammad Khwarazmshah, Genghis Khan, O'trar, Bukhara, Samarkand, Khojand, Urganch, an-Nasawi, Juwayniy, Ibn al-Asir, Rashididdin, Juzjani.

### КИРИШ (INTRODUCTION)

Мўғулларнинг Хоразм – ануштегинийлар давлати худудларига бостириб кириб, иирик ва ахолиси кўп бўлган шаҳарларни осонлик билан эгаллаши масаласи баҳсталаб

масалалардан бири ҳисобланади. Чунки манбаларда бу воқеалар турлича берилган ҳамда мазкур ёзма манбалар муаллифларининг бирортаси ҳам шаҳарларнинг мудофаа тизимларини акс эттирувчи маълумотларни батафсил келтирмаганлар. Хоразмшоҳлар – ануштегинийлар давлатининг мўғулларга қарши курашида шаҳарлар мудофааси жуда муҳим ўрин тутган албатта. Аммо, ички сиёсий ва ҳарбий инқирозий вазият, Муҳаммад хоразмшоҳ ўзининг жуда катта қўшинига ишонмаслиги оқибатида жами 450 тага яқин шаҳар ва қалъалардан иборат бўлмиш давлатда, шаҳар ва қалъаларни ўз-ўзини ҳимоя қилсин деб, шаҳарларни ўз ихтиёрига ташлаб қўйди. Хоразмшоҳнинг бу режаси стратегик жиҳатдан хато режа ҳам эмасди, аммо, биринчидан мўғулларга муносиб баҳо берилмаганлиги оқибатида, яъни, давлат юқори ҳарбий доираларида мўғулларнинг дашт кўчманчи чорвадор аҳоли бўлганлиги учун улар шаҳарларни қамал қилиш ва эгаллаш кўнилмаларига умуман эга эмаслар деган хато хulosага келингандиги натижасида мўғуллар мустаҳкам мудофаа тизимиға эга бўлган Хоразм шаҳарларини анча осон ва тез муддатда эгаллаб бориб, хоразмшоҳлар давлати тақдирини ҳал қилдилар.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW).**

Ёзма манбаларда хоразмшоҳ – ануштегинийлар давлати шаҳарлари ва уларнинг мудофаа тизими ҳақида батафсил маълумотлар учрамайди. Факат бу шаҳарларнинг аҳолиси сони ва қисман мўғуллар юришлари давридаги мудофаа жараёнлари ҳақида қисман маълумотлар келтирилиб ўтилган холос. Археологик тадқиқотлар натижалари ҳам мўғуллар босқини даври Хоразм давлати шаҳарларининг аҳволи ҳақида етарлича маълумотлар бера олмайди. Зеро, бу тадқиқотлар давомида Хоразм давлати шаҳарларининг мўғул босқинчилариға қарши олиб борган курашларида шаҳарлар тузилиши, мудофаа тизими қандай бўлганлиги масаласини очиб бериш мақсади қўйилмаган. Ҳатто сўнгти археологик тадқиқотларда ҳам бу масала эътибордан четда қолиб келмоқда. Бу масала қисман ўз аксини топган манбалар жумласига ан-Насавий, Жувайний, Ибн ал-Асир, Рашидиддин ва Жузжоний каби асосий манбалар киради. Аммо, энг аввало, мазкур манбаларни чуқур илмий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда бу масала юзасидан қилинган алоҳида илмий тадқиқотлар деярли йўқ. Замонавий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги хоразмшоҳлар мавзуси билан боғлиқ воқеа ва жараёнларда эслатилган шаҳарлар хусусидаги юзаки маълумотларни келтириб ўтиш билан чекланадилар холос. Мазкур мавзу юзасидан ҳозирча мўғул босқини даври хоразмшоҳ – ануштегинийлар давлати шаҳарлари тузилиши, ҳажми ва энг асосийси уларнинг мўғуллар босқини давридаги мудофаа тизими қандай аҳамиятга эга бўлганлиги масаласига қисман тўхталиб ўтган тадқиқотчилардан энг муҳимлари В.В.Бартольд, С.П.Толстов, Н.Н. Вактурская, О.А.Вишневская, Е.Е. Неразик ва З. Буниёдовлар тадқиқотлари ҳисобланади.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)**

Мақолада тизимлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, тарихий маълумотларни умумлаштириш, холислик тамойили каби илмий тадқиқот усусларидан фойдаланилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)

Чингизхон 1219 йили анчадан бери пухта тайёрланган 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан Хоразмшоҳ-ануштагинийлар давлати устига ҳарбий юришни бошлади. Чегарадан ўтган Чингизхон ўз қўшинини Ўтрор шаҳри яқинида тўплаб уни 4 қисмга бўлди.

Чигатой ва Ўқтой қўшиннинг бир қисми билан Ўтрорни қамал этиб, уни эгаллаш учун қолдирилди. Иккинчи қисм эса Жўчи бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимидаги Жанд, Янгикент, Борчиғлифент, Сифноқ шаҳарларни босиб олиш учун юборилди. Учинчи қисмдаги беш минг чоғли қўшинга Улоқ нўён ва Сукету черби бош бўлиб Ўтрордан жанубга юриш, Хўжанд ва Банокатни эгаллаш вазифаси топширилди. Чингизхон ўзи бош бўлган тўртинчи, асосий қисм (унинг таркибида таникли саркардалар Жебе ва Субутой ҳам бор эди) Зарафшон воҳаси томон-Бухоро ҳамда Самарқандни истило этиш учун йўл олди<sup>1</sup>.

Мўғул босқини бошлангач Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғулларга зарба бериш хусусида Урганчда (Гурганж) ҳарбий кенгаш чақиради. Унда кўзга кўринган давлат арбоблари, аслзодалар, ҳарбий саркардалар иштирок этадилар. Машҳур фикхшунос ҳамда давлат арбоби Шаҳобиддин ал-Хивақий бор қўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, узоқ йўл босиб келаётган мўғул қўшинига чегара бўйидаёқ ҳал қилувчи зарба бериш тўғрисида ҳарбий жиҳатдан ҳақ фикрни билдириди. Шахзода Жалолиддин таклифига кўра эса, душманни Мовароуннаҳрга киритиб, сўнгра маҳаллий ҳудудни душманга нисбатан яхши билганликдан фойдаланиб, уни йўқ қилиш кўзда тутилган эди. Лекин, Хоразмшоҳ ўз саркардаларига, айниқса қипчоқ ҳарбийларига ишончсизлик билан қарап, катта қўшинни бир жойга тўплашдан, қўшин йигилганда эса ўзини таҳтдан ағдариб ташлашлари мумкин эканлигидан чўчир эди. Шунинг учун сulton va uning онаси тазиики билан кенгаш мудофаа усулига ўтишни маъқул деб топди. Жами 450 тага яқин шаҳар (қалъя) ва вилоятлардан иборат бўлмиш давлатда қўшин катта жангта кириб, ватан шарафини ҳимоя қилиш ўрнига шаҳар ва қалъаларга бўлиб ташланди<sup>2</sup>.

Чегарадаги Ўтрор мустаҳкам шаҳар қалъя бўлиб, мўғулларга олти ой давомида мардонавор қаршилик кўрсатди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Ғойирхон) қўлида 20.000 чоғли суворий бўлиб, хоразмшоҳ унга ёрдам тариқасида 50.000 кишилик “лашқари бирун”ни ҳам юборган эди.

Қамал давомида қўшимча тарзда яна Қорача Ҳожиб бошчилигидаги 10.000 кишилик отряд ҳам юборилди. Ўтрор шаҳри манбаларда келтирилишича йирик шаҳар бўлган. Шундан келиб чиқиб унинг мудофаа тизими ҳам ўз даври учун мустаҳкам шаҳар бўлганлиги аниқ. Бежиз бу шаҳар мўғулларга б ой қаршилик кўрсатмаган. Урганчни ҳисобга олмаганда мўғуллар хужум қилган ҳудудларда бирорта шаҳар

<sup>1</sup>Жувайнӣ Алӯддин Атомалик. Тарихи Жаҳонқушо (Жаҳон фотихи тарихи) / Маъсъул муҳаррирлар: Ҳ.Болтабоев, М. Махмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2015.Б.136; Рашид ад-Дин. Сборник летописей / Пер. с персидского О. И. Смирновой, редакция проф. А. А. Семенова. – М., Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1952. – Т. 1, кн. 2. – С.198.

<sup>2</sup>Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия //В.В. Бартольд. Сочинения. – М., 1963. Т. 1.–С. 439.

бунчалик кўп қаршилик кўрсатмаган. Шаҳар фақат айрим зотларнинг хиёнаткорлиги туфайлигина эгалланиб, Ўтрор шахри ўз жасорати эвазига мўғуллар томонидан буткул бузиб ташланган<sup>3</sup>.

Бухоро йўналишида кетаётган Чингизхонга эса Зарнуқ (Зеринух) ва Нур қалъалари жангиз таслим бўлдилар<sup>4</sup>. Бу шаҳарлар кичик шаҳарлар ҳисобланган.

Чингизхон 1220 йилнинг феврал ойи бошларида (баъзи адабиётларда 7 февралда дейилади), Шарқдаги ислом дини гумбази, “бутун мусулмон шаҳарлари онаси” номини олган “исломий илмлар маркази” Бухоро яқинида пайдо бўлди. Бухоро шахри ҳам аҳолиси кўп сонли йирик ва мустаҳкам шаҳар бўлган. Уч қунлик шаҳар қамали бошланди. Бухорода бу пайтда 12.000 кишилик шаҳар гарнizonи ва 20.000 кишилик “лашкари бирун” мавжуд эди. Лашкарларга нуфузли саркардалар Ихтиёридин Кўшлу, Инанчхон Ўғулҳожиб, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчхон, мўғуллардан қочиб ўтган уйғур саркардаси Кўкхон (Гўрхон) бош эдилар. Аввал бошида қўшин мўғулларга зарба беришга муваффақ бўлди. Кейин эса мўғулларнинг қўли устун кела бошлади. Манбалар маълумотлари таҳлил қилинадиган бўлса, шаҳар мудофаа тизими етарли даражада мустаҳкам бўлган. Аммо, юқоридаги саркардаларнинг муваффакиятсизликлари шаҳар аҳолиси ичида шаҳарни ихтиёрий мўғулларга топшириш режаси устунлик қилиб, бухороликлар Чингизхонга элчи юборадилар. Хуллас, Бухоро шахри жуда катта мудофаа салоҳиятига эга бўлсада, шаҳар аҳолиси бир-бири билан келиша олмайдиган икки гурухга бўлингач ихтиёрий таслим бўлган. Аммо, аксарият шаҳарликлар ўз қаршиликларини давом эттиридилар, тунда эса яширинча аскарларга ёрдам бериб, мўғул аскарларига қарши ҳужумлар уюштиридилар. Шу билан бирга шаҳарга ёрдам учун юборилган қанғли-қипчоқлар гурухи шаҳар аркида яна 12 кун қаршилик кўрсатдилар. Бухороликлар қаршилиги мўғулларни қаттиқ ғазаблантириди.

1220 йили 10 феврал куни мўғуллар Бухорога кириб келадилар. Чингизхон бунга жавобан шаҳарни ёқиб юборишга буйруқ берди. Аҳолининг катта қисми Самарқанд қамалига, “жонли қалқон” вазифасини бажариш учун юборилди. Мўғуллар 30000 чоғли қанғли – қипчоқларни қириб ташладилар. Тез орада Қундуз, Балх ва бошқа ҳудудлардаги ҳоким, амалдорларнинг кўпчилиги ҳеч иккиланмай мўғуллар томонига ўта бошладилар<sup>5</sup>.

Бухородан сўнг Чингизхон Самарқанд шахри томон йўл олди. 1220 йил март ойи бошида у Самарқандга етиб келиб, ён-атрофдаги қишлоқларни ер билан яксон қилди.

<sup>3</sup>Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. / Камол Матёқубов таржимаси./– Т.: O’zbekiston, 2006. – Б.58-60; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи). Б.136-138; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.198-199.

<sup>4</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи). Б.146-147; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.204-205.

<sup>5</sup>Ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. -Б.65-66; Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. Полный свод истории /Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова [дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камолиддина]. – Ташкент; Цюрих: Изд-во АН РУз, 2005.- С.361; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи).- Б.150-153; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. -С.205-206.

Чингизхон Самарқандни эгаллашга алоҳида аҳамият берди. Самарқанднинг Мовароуннахр учун, хоразмшоҳлар давлати учун аҳамияти бекиёс эканлигини Чингизхон яхши билар эди. Чунки, бу даврда Самарқанд нафақат Мовароуннахрнинг, балки, бутун ислом Шарқининг энг йирик шаҳарларидан бири эди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра мўғул босқини арафасида Самарқанд майдони 550 гектар бўлиб, деярли Бағдод билан тенг бўлган.

Шаҳарда жанг учун 110 минг аскар мавжуд бўлиб, уларда 60 мингини туркийлар, ғуллар, ҳалажлар, хурросонликлар ташкил этар эди. Шаҳар ноиби Туркон Хотуннинг укаси Тўғайхон бўлган. Самарқандда шунингдек бир неча таниқли амирлар, саркардалар ҳам жангга шай бўлиб, маҳаллий хоразмликлар қўшини 50 минги ташкил этарди. Шаҳарда ҳатто ҳарбий жангга ўргатилган 20 та фил ҳам бор эди. Шаҳар озиқ-овқат заҳираси, мудофаа истеҳкомларининг пухталиги жиҳатидан бир неча йиллик қамалга ҳам чидаши мумкин эди. Аммо, Самарқанд мудофааси ҳам хоинлик эвазига шармандали таслим бўлган.

1220 йилнинг март ойининг бошларида шаҳар қаттиқ қамал қилиниб, тўхтовсиз ҳужум бошланди. Қамалнинг учинчи кунидан бошлаб унга Чингизхоннинг шахсан ўзи бошчилик қила бошлайди. Қамалнинг бешинчи куни уламо, зодагон, шаҳар ҳарбий бошлиқлари “кейинги қаршилик мақсадга мувофиқ эмас ва оммавий қирғин бўлишини олдини олиш керак”, деган мақсадда мўғулларга таслим бўлишга қарор қиласидилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом бошчилигига Чингизхон ҳузурига Самарқанд аҳли номидан элчилар ташриф буюрадилар. Мўғуллар Самарқанд бош сув иншооти – “Жўйи арзиз” – “Қўрғошин новаси”ни бузиб ташлаб, шаҳарни ташналиқ гирдобига гирифтор қиласидилар. Шаҳар истеҳкоми бузиб ташланди. 20 000 чоғли шаҳар мудофаачилари сув тошқини боис таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Тахминан 1000 нафарли мудофаачилар эса, сulton томонидан 1211-1214 йилларда қурилган Жоме масжидига кириб, душманга зарба бера бошладилар. Мўғуллар масжидга ўт қўйиб, мудофаачиларни тирик ўлимга маҳкум этдилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом ваколати билан ташқарига олиб чиқиб кетилган 50.000 нафар кишидан бошқа барча аҳоли қатламлари беҳад талон-тарож қилинди. 30.000 нафар ҳунарманд аҳли Чингизхон қариндош-уругларига тақсим қилиб берилди. Тирик қолган шаҳар аҳлига 200.000 динор ўлпон мажбурияти юклатилди. Самарқандда жами аҳолининг фақат  $\frac{1}{4}$  қисмигина тирик қолди, холос. Мўғуллар томонига хиёнаткорона ўтиб кетган собиқ шаҳар ноиби Тўғайхон тез орада ўзининг 30.000 кишиси билан Чингизхон буйруғига кўра кириб ташланди. 1220 йил 17 март Самарқанд мўғуллар томонидан истило этилган сана ҳисобланади.

Таслим бўлган шаҳарда мўғуллар қилган талон-тарожликлар туфайли “Сайқали рўйи замин аст” деб улуғланган, шарқнинг буюк шаҳарларидан бири ҳисобланган, бир

пайтлар гуллаб-яшнаб турган Мовароуннахр пойтахти ҳувиллаб қолиб, ер билан яксон қилинди<sup>6</sup>.

Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи бошчилигидаги мўғул босқинчилари режа бўйича Сирдарёнинг юқори қисмидаги ерларни эгаллаши лозим эди. Босқинчилар маълум муддатдаги қамалдан сўнг Сифноқ ва Борчилиғкент шаҳарларини эгалладилар. Сифноқ аҳолиси Жўчининг элчиси Ҳасан ҳожини ўлдириб, етти кун мардонавор қаршилик кўрсатдилар. Шаҳар олинганидан сўнг эса унинг барча аҳолиси қириб ташланди.

Сирдарёнинг юқори томонидаги Жанд, Шаҳриканд, Ёркент ҳимояси 10 минг кишилик қўшин билан амирлар амири (амири амирон), Туркон Хотуннинг яқин қариндоши Қутлуғхон қўлига топширилган эди. Қутлуғхон худудни ўз ҳолига ташаб, хоинлик билан Хоразмга кетиб қолди.

Мўғуллар томонидан Жандга юборилган Чин Темур агар шаҳар Жўчига бўйин эгса аҳолиси омон қолишини вაъда қилди. 1219 йил 4 апрелда Жанд мўғуллар томонидан жангсиз эгалланди. Шаҳар аҳолиси ташқарига ҳайдаб чиқилиб, тўқиз кун оч-наҳор далада ушлаб турилди. Бу вақтда мўғуллар Жанд ва унинг ён-атрофини буткул талон-тарож қилдилар<sup>7</sup>.

Уч кунлик қамалдан сўнг Банокат шаҳри ҳам эгалланиб, аҳолининг бир қисми қиличдан ўтказилди. Мўғулларнинг кейинги эътибори Хўжандга қаратилди. Улар 20.000 нафар қўшин ва 50.000 минг чоғли асирга тушган ҳашарчиларни Хўжанд атрофига йигадилар.

Хўжанд ҳокими Темур Малик шаҳарда эмас Сирдарёдаги кичик оролчадаги қалъада узоқ қаршилик кўрсатган. Яъни, Хўжанд шаҳри ҳам мўғулларга узоқ қаршилик кўрсатмаган. Темур Малик эса Гурганжга этиб келади ва шаҳар ҳимоясида қатнашиб, Жалолиддиннинг озодлик курашида фаол иштирок этади<sup>8</sup>.

Чингизхон 1220 йилнинг ёзида Нахшабни жангсиз эгаллади ва ёзни шу ерда ўтказиб, 1220 йилнинг кузида Термизга юришни бошлайди. Термиз Ҳиндистон ва Ўрта Осиё савдо йўллари туташган қулай ерда жойлашган бўлиб, унинг Амударё соҳилига туташган қалъаси ўз вақтида мустаҳкам равишда барпо этилган эди. Термиз ҳокими Фахриддин мўғуллар босқинига мардонавор туриб жавоб беришга қарор қилди. Аммо, хоинлик натижасида мудофаанинг ўн биринчи куни шаҳар эгалланди. Шаҳар буткул талон-тарож қилиниб, хонавайрон этилди. Шаҳар аҳли эса даштга ҳайдаб чиқилиб, қириб ташланди<sup>9</sup>.

Мовароуннахрнинг асосий қисмлари Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Бухоро воҳаси, Шош ва Фарғона водийси эгаллангач, Чингизхон эндилиқда ўзининг асосий эътиборини хоразмшоҳлар давлатининг маркази Хоразм

<sup>6</sup>Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т-та’рих. (Полный свод истории). С.353-355; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи). Б.159-163; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.206-208.

<sup>7</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи). Б.138-141.

<sup>8</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи). Б.141-144.

<sup>9</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотихи тарихи). Б.168-169.

ўлкасига қаратди. Бу юришга ўғиллари Жўчи, Чигатой, Ўқтой (Угедей)ларни масъул қилди. Айниқса, хон мусулмон шарқининг энг катта шаҳри бўлмиш, маданият, савдо гуллаб яшнаган бой бадавлат қадимги Урганч (Гурганж) истилосига катта аҳамият билан қаради.

Гурганж мустаҳкам мудофаа деворига эга, ҳатто 1204 йили ғурийлар султони Шаҳобиддин ал-Гурийнинг қамалига ҳам дош берган, пойтахт аҳли, ўз жасорати ва ҳарбий тайёргарлиги билан ҳам ажralиб турар эди. Энг асосийси манбалар маълумотларига кўра шаҳар бу даврда дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб, шаҳар аҳолиси бир миллиондан зиёд бўлган. Археологик тадқиқотлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлади. Археологик маълумотларга кўра шаҳар ўрта асрларда сунъий барпо қилинган жуда баланд тепаликка курилган бўлиб, бу шаҳарнинг асосий қисми шаҳристонни ташкил қилган. Бу тепаликнинг баландлигининг ҳозирги ҳолатининг ўзи 22 метрни ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ўрта асрларда бу тепалик 50 метрга яқин бўлган. Бундан шаҳарнинг қандай мустаҳкам мудофаа тизимиға эга бўлганлигини кўрсатади. Бу шаҳристон атрофи рабод ҳажми минг гектарга яқин бўлиб, шаҳар ўз даврида, нафақат Шарқнинг балки дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган.

Айнан мўғуллар хужумидан олдин Гурганжга отасининг ўлимидан сўнг Жалолиддин Мангуберди хоразмшоҳ сифатида кириб келади. Аммо, афсус, бу шаҳар мудофааси бошланмасдан бир гурӯҳ зодагонлар фитна бошлаб юборганлар. Улар Жалолиддин Мангубердига қарши фитна уюштирадилар. Нтижада Жалолиддин Мангуберди шаҳарни тарқ этади.

Гурганжда эса шаҳардаги қипчоқ саркардалари-Ўғул Ҳожиб, Эрбуқа паҳлавон, собиқ Жанд ноиби Қутлуғхон ва бошқалар Туркон хотуннинг жияни ёш Хумортегинни “султон” деб эълон қилдилар.

Гурганжга Чингизхоннинг ўғиллари Жўчи, Чигатой, Ўқтой, таникли мўғул саркардалари Тулун черби, Устун нўён, Қозон нўён ва бошқалар ўз ҳарбий кучлари билан етиб келадилар. Хоразм Жўчи бошқаруви илкига тушганлиги учун ҳам, у шаҳарни тинчлик билан мўғулларга топширишни талаб этади. Лекин, нима бўлганда ҳам шаҳарнинг жасур ҳимоячилари мудофаага қатъий тайёргарлик кўриб, жонажон шаҳарларини мўғулларга беришдан қатъий равишда бош тортдилар. Пойтахт атрофини 100.000 дан зиёд мўғуллар қўшини билан ўраб олиш бошланди. Шаҳар деворларини бузиш учун манжаниклар ўрнатилинади. Мўғуллар шаҳарни катта куч билан забт этишга киришдилар. Афсуски, янги “султон” шаҳар мудофаасига бош бўла олмади. Ҳолбуки, шаҳарда 90 минг кишилик ҳам қўшин бор эди. Шундай бўлса ҳам, 1221 йил бошидан бошланган Гурганж қамали деярли 7 ой давом этади. Шаҳар аҳли мўғулларнинг қурол-яроғи, палаҳмон тошларни отувчи манжаниклари, замбаракларидан чўчимай, мардонавор курашга киришдилар. Найза ва камон ўқларидан кўрқмай, шаҳар деворларининг бузилган ерларини қайта тиклай бошлайдилар. Бир гурӯҳ урганчлик ҳарбий навкарлар шаҳардан деярли бир фарсах

узоқликдаги Бого-Хуррам деган жойда мўғулларга зарба беришга ҳаракат қилиб, қаҳрамонона жанг қилдилар. Лекин, Жувайнийнинг ёзишига кўра, жангда қўшин ва қурол жиҳатидан устун бўлган мўғуллар шу ерлик тинч аҳоли, жангчилар билан биргаликда 100.000 дан зиёд аҳолини қириб ташлайдилар. Лекин, қўрқоқ ва заиф “султон” Хумортегин шаҳар дарвозасини очиб бериб, ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида хиёнаткорона равища мўғулларга таслим бўлди. Шаҳардаги жангларда хоразмлик машҳур аллома, файласуф ва олим, “Кубровия” тариқатининг асосчиси Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий (1145-1221) ҳам фаол қатнашди. Ўзига “Ё Ватан, ё шарофатли ўлим” деган ғояни шиор қилиб олган бу 76 ёшдаги буюк шайх қаҳрамонона тарзда жанг қилиб, ўлим олдидан мўғул навкарига ташланиб, уни аввал ҳалок қилиб, сўнгра ўзи шаҳид бўлади.

Шаҳардан 100 000 дан кўпроқ ҳунармандлар ажратиб олиниб, Мўғулистонга жўнатилди. Шаҳар аҳли даштга ҳайдаб чиқарилиб, болалар ва аёллар бўлиб олинди. «Ортиқча» асиirlар ҳақоратли ўлимга мубтало этилди. Жувайнийнинг ёзишича, ҳар бир мўғул аскарига шаҳарликлардан 24 та асир аскар тўғри келган экан<sup>10</sup>. Қолган барча нарсалар ҳам беаёв талон-тарож қилинди. Шаҳар қўлга олинганидан сўнг унинг асосий қисми бузилиб, хонавайрон этилди. Бу разолатга ҳам қониқмаган мўғуллар Амударё тўғонини бузиб, шаҳарни сувга бостиридилар. Бу хусусда ан-Насавий Гурганж “қашқирлар уяси ҳамда бойўғли ва қарғаларнинг бошпанасига айланди”, деб ёзган эди<sup>11</sup>.

Гурганж қамали билан бир вактда Чингизхон 1221 йилнинг баҳорида ўзининг эътиборини Амударёдан жанубдаги йирик савдо йўллари устида жойлашган бой маданий марказлар бўлмиш Балх, Ҳирот, Газна, Қандаҳор, Нишопур ва бошқаларга қаратди. Чингизхон шахсан Балх юришига бошчилик қилиб, шаҳарни забт этди. Балх аҳолисини эса қириб ташлади. Баъзи бир жанублик хоразмшоҳ ноиблари, жумладан Амин-ал мулк ҳам мўғуллар томонига хиёнаткорона равища ўтиб кетдилар<sup>12</sup>.

Хурсонда мўғуллар йўлидаги биринчи шаҳар Нисо бўлган. Мўғуллар 20 та тошотар замбарак (манжаник) ўрнатиб, 15 кун давомида шаҳарни тўхтовсиз қамал қилдилар. Шаҳар қўлга киритилгач унинг аҳолисини ташқарига ҳайдаб чиқариб, 70 минг аҳолини ўлдирдилар.

1221 йилнинг февралида Хурсоннинг кўзга кўринган йирик шаҳри Марв аҳолисининг аксарияти бошига ҳам шу кун тушди. Марв шаҳри бир неча маротаба шафқатсизларча талон-тарож қилинди. Охир-оқибатда шаҳарда бирон кимса ҳам қолмади. Ҳолбуки, шаҳар мусулмон оламида ўз мадрасалари ва кутубхоналари, олим-уламолари билан машҳур бўлиб, “Марви жаҳон” номини олган эди<sup>13</sup>.

<sup>10</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.167.

<sup>11</sup>Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012.– Б.194; Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.163-167; Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.214-217.

<sup>12</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.169-170.

<sup>13</sup>Жувайний. Тарихи жаҳонгушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). Б.182-194.

Жалолиддинга қарши кураш вақтида қатор қалъа, шаҳарлар қаттиқ жанглар билан ишғол қилинди (Бамиён, Ғазна, Қандаҳор, Гардиз, Валиён ва бошқалар). Мўғулларнинг жанубдаги охирги эгаллаган шахри Ҳиндистоннинг шимолий тарбидаги Мўлтон шахри бўлиб қолди (1222 йил)<sup>14</sup>.

Таъкидлаш жоизки, уч йил ичида буюк Хоразмшоҳлар давлати мўғуллар томонидан истило қилинди. Шу давр мобайнида биргина Мовароуннаҳрда 300 дан зиёд катта-кичик шаҳар эгалланган.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS)**

Таъкидлаш жоизки, шунча шаҳарга эга бўла туриб ҳам Хоразмшоҳлар давлати мўғуллар томонидан босиб олинди ва 400дан зиёд шаҳарлардан қўпчилиги вайрон қилинди ёки йўқ қилиб ташланди. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, хоразмшоҳлар шаҳарларининг мудофаа тизими ожиз бўлмаган. Бу ўринда, биринчи навбатда қамал қилинган шаҳарларда хоинликлар рўй бериб, мўғуллар қўпгина шаҳарларни айнан шу хоинлик эвазигагина босиб олишга муваффақ бўлганлар. Шунинг учун, юқорида таъкидлаганимиздек, Мухаммад хоразмшоҳнинг қўшинларни шаҳарларга бўлиб ташлаб, шу йўл билан мўғулларни енгиш режаси аслида нотўғри режа эмас эди. Аммо, Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинининг, фақат даштларда урушлар олиб боришга лаёқатли қўчманчилар армиясидан иборат бўлган деб хулоса чиқариш жуда катта хато бўларди. Улар бу даврга келиб, мудофаага қарши катта қўнималарни эгаллаган, ҳар қандай мустаҳкам шаҳарларни босиб олиш тажрибасига эга қўшинга айланиб улгурган эди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // В.В. Бартольд. Сочинения. – М., 1963. Т. I.–760 с.
2. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. – 256 б.
3. Вактурская Н.Н, Вишневская О.А. Памятники Хорезма эпохи Великих Хорезмшахов (XII-начало XIII вв.) //МХЭ., вып.1, -М.: Изд-во АН СССР, 1959, с.150-167.
4. Вактурская Н.Н. О средневековых городах Хорезма //МХЭ, вып.7, -М.: Изд-во АН СССР, 1963. с.41-53.
5. Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонқушо (Жаҳон фотихи тарихи) / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Болтабоев, М. Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 504 б.
6. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та'рих. Полный свод истории /Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова [дополнения к переводу,

<sup>14</sup>Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1. Кн.2. С.224, 226 – 228.

примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камолиддина]. – Ташкент; Цюрих: Изд-во АН РУз, 2005. – 595 с.

7. Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма //Вкн.: Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: «Наука», с.219-227.

8. Рашид ад-Дин. Сборник летописей / Пер. с персидского О. И. Смирновой, редакция проф. А. А. Семенова. – М., Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1952. – Т. 1, кн. 2. – 317 с.

9. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Камол Матёқубов таржимаси. – Т.: O'zbekiston, 2006. – 384 б.